

## МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СУД АМАЛИЁТИ

Турсунқулов Бобиржон Козимжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни Муҳофаза Қилиш Академияси

“Судларда прокурор ваколатларини таъминлаш ҳамда

ижро иши юритуви” кафедраси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада меҳнат низоларининг ҳуқуқий моҳияти, уларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби, суд орқали ҳал этиш механизмлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси суд амалиётида учрайдиган асосий ҳолатлар таҳлил қилинади. Меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги амалдаги қонунчилик, суд қарорлари ва ҳуқуқни қўллаш тажрибаси асосида меҳнат низоларини ҳал қилишни такомиллаштириш бўйича хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат низолари, суд амалиёти, процессуал тартиб, меҳнат шартномаси, интизомий жазо, ишдан бўшатиш, меҳнат ҳуқуқи, медиация.

**Аннотация:** В статье анализируются правовая сущность трудовых споров, процессуальный порядок их рассмотрения, механизмы их разрешения в судебном порядке, а также основные ситуации, встречающиеся в судебной практике Республики Узбекистан. На основе действующего законодательства в области трудового права, судебных решений и опыта правоприменения даются выводы по совершенствованию разрешения трудовых споров.

**Ключевые слова:** трудовые споры, судебная практика, процессуальный порядок, трудовой договор, дисциплинарное взыскание, увольнение, трудовое право, медиация.

**Abstract:** The article analyzes the legal nature of labor disputes, the procedural order of their consideration, the mechanisms for their resolution in court, as well as the main situations encountered in the judicial practice of the Republic of Uzbekistan. Based on current labor law legislation, court decisions, and law enforcement experience, conclusions are drawn on how to improve the resolution of labor disputes.

**Keywords:** labor disputes, judicial practice, procedural order, employment contract, disciplinary action, dismissal, labor law, mediation.

Меҳнат муносабатлари жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига муҳим ўрин тутди. Ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат жараёнида турли келишмовчиликлар юзага келиши табиий бўлиб, бундай низоларни қонуний тартибда ҳал қилиш жамият

барқарорлигининг муҳим шартидир. Ўзбекистон қонунчилигида меҳнат низоларини ҳал этишнинг асосий шакллари сифатида судга мурожаат қилиш, меҳнат низолари комиссияси ва медиация тизими белгиланган.

Бугунги кунда судлар меҳнат низоларини ҳал қилувчи энг асосий орган сифатида маъмурий ва фуқаролик судлари орқали кўплаб ишларни кўриб чиқмоқда. Мазкур мақолада меҳнат низоларининг процессуал жиҳатлари чуқур таҳлил қилиниб, амалиётдаги камчиликлар ёритилади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга оид ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари яъни, даъво ишларини юритиш тартибига риоя қилинган ҳолда судлар томонидан кўрилади.

Бундай туркумдаги фуқаролик ишлари қонун билан белгиланган қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар судьялар томонидан меҳнат ишлари бўйича даъво аризаларини қабул қилишда, уларни суд мажлисида кўриш учун тайёрлашда ва иш юритишнинг бошқа кейинги босқичларида ҳам яққол кўзга ташланади. Эндиликда меҳнат низоларини судда кўришнинг алоҳида процессуал жиҳатларини ёритиб берсак, тадқиқотнинг изчил равишда боришини таъминлаган бўлар эдик.

Меҳнат низоларини тегишли судларида кўриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Фуқаролик процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни қўлланиши ҳақида”ги 1998-йил 17-апрелда қабул қилинган 12-сонли қарорида белгилаб қўйилган.

Меҳнат низолари юзасидан даъво аризаларини қабул қилишнинг рад этилиши ФПКнинг 152-моддасида назарда тутилган барча асослар бўйича амалга оширилади. Даъво аризаси ФПКнинг 145-моддасида кўрсатилганидек, жавобгарнинг яшаб турган жойидаги судга берилади.

Меҳнат ҳақини ундириш тўғрисидаги ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар бўйича бўлган даъволар юзасидан ходимлар давлат даромадларига суд харажатларини, ва давлат божини тўлашдан озод қилинадилар. Бундай талаблар қаноатлантирилганида суд харажатлари даъвонинг қаноатлантирилган қисмига нисбатан жавобгардан ундирилади. Агар даъво талаблари рад этилса, суд харажатлари давлат ҳисобига ўтказилади. Бу ҳолат меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни ўзига хос хусусиятларидандир.

Судга дастлаб меҳнат низолари комиссиясида кўрилган низо бўйича ариза тушса, суд бу масала бўйича меҳнат низоларини кўриш комиссияси мажлисининг баёноти кўчирмасини топширилишини талаб қилиши лозим.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларнинг процессуал хусусиятларидан яна бири шуки, бунда бошқа фуқаролик ишларига нисбатан қисқа муддат белгиланганидир.

Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган муддатлардагина мурожаат қилиш мумкин. Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин. Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Айрим олимлар меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича даъво муддатининг белгиланиши ҳақида салбий фикр юритадилар. Жумладан, Р.З.Лившиц меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича даъво муддатларининг жорий этилишига нисбатан салбий фикр билдирар экан, ходим ўз вақтида судга мурожаат қилмаганлиги учун ўзига берилиши лозим бўлган иш ҳақидан маҳрум бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтади. И.Б.Морейн ҳам меҳнат ишлари бўйича белгиланган даъво муддатлари низонинг юзага келиш вақтига таъсир кўрсатсада, лекин унинг суд мажлисида ҳал этилишида ҳеч қандай оқибат туғдирмаслигини, ишнинг ҳал этилиши даъво муддати билан эмас, балки процессуал муддатлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.<sup>17</sup>

В.И.Смолярчук ва Д.В.Швейцар меҳнатга оид низоли ишларда даъво муддатининг бўлмаслиги турли сарсонагарчиликлар, ишларнинг ҳал этилишини чўзиш каби оқибатларга олиб келишлигини, буни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини таъкидлайдилар.<sup>18</sup>

Назаримизда В.И.Смолярчук ва Д.В.Швейцарларнинг фикри мутлақо тўғри, чунки даъво муддати белгиланмас экан меҳнат низоларига оид даъво аризалари тарафлар томонидан исталган вақтда берила бошлайди. Агар ходим билан ғайриқонуний равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса ва у 1 йилдан кейин ёки ундан узоқроқ муддат ичида судга мурожаат қилса ҳамда суд уни ишга тикласа, бу ҳолатда унинг ўрнида ишлаётган ходимнинг манфаатларига путур етади. Шунинг учун даъво муддатининг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Айтиб ўтиш лозимки, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги суд қарорлари бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига

<sup>17</sup> Мамасиддиков М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. Т.: 2002 й. – Б. 62.

<sup>18</sup> Ўша жойда. – Б. 63.

юборишга асос бўлади. Демак, якка меҳнат низоларини кўришда судлардан қонун нормаларига қатъий риоя этилиши талаб этилади. Акс ҳолда, тарафларнинг, айниқса ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етиши тайин.

Якка меҳнат низоларини судда кўриш ва ҳал қилишга доир қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар қаторида бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 275-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу модданинг 4-қисмига кўра, ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади. Бу қоида айрим ҳолларда ходимларнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин. Шунинг учун мазкур муддатни чекламаслик лозим деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (янги таҳрир). – 2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент, 2022.
4. “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун. – 2019.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорлари, меҳнат низолари бўйича шарҳлар ва кўрсатмалар.
6. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. Т.: 2002 й. – Б. 62.
7. Йўлдошев Қ., Абдукаримов Х. Меҳнат ҳуқуқи. – Тошкент: “Адолат”, 2022.
8. Маҳмудов М. Меҳнат ҳуқуқининг назарий ва амалий масалалари. – Тошкент, 2021.